



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР БЎЙИЧА КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Фарғона вилояти ҳоқими бошчилигидаги вилоят расмийлари ҳамда ишбилармонларидан иборат делегация амалий ташриф билан Туркия ва Хитойда бўлди.



Тўғридан-тўғри ҳудудларaro ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, хориж инвестициясини ва янги истиқболли лойиҳаларни вилоятимизга жалб этиш, турли соҳалардаги икки томон учун ҳам манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, экспорт кўламини ошириш каби мақсадларни қамраб олган ташриф давомида вилоят ҳоқими ва делегация аъзолари Туркиянинг "Akkol catering group", "Dansuk mühendislik", "Gürmak Demiryolu", "Tek enerji", "BT Tarım", "Oghma international eğitim", "Pimek tekstil", "KC kimya AŞ", "Gul production" каби компаниялар ҳамда тиббиёт мажмуалари раҳбарлари билан учрашдилар. Музокараларда Фарғона вилояти-да кейтеринг ва аутсорсинг усулида сифатли овқатланиш тизимини жорий қилиш, металлургия, автомобилсозлик, тиббиёт, рақамли таълим, мебелсозлик, гидроэнергетика соҳаларини ривожлантириш инвестицион лойиҳалари бўйича дастлабки келишувларга эришилди. Ақли технологияларга асосланган, гидропоника усулида экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажмуаси барпо этиш, халқаро сертификатларга эга касбий таълим, тўқимачилик, гиламчилик, туризм, темир йўл, медиа соҳаларида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Вилоят шифокорлари ва ҳамшираларнинг Туркиянинг нуфузли клиникаларида малака оширишини йўлга қўйишга келишилди. Шунингдек, кўп қаватли бинолар учун HVAC (иситиш, вентиляция ва кондициялаш) тизимларини лойиҳалаш, маҳаллийлаштирилган усулда ишлаб чиқариш ҳамда ўрнатиш имкониятлари муҳокама қилинди. Туркия ёш ишбилармонлари уюшмасининг Ўзбекистонда ваколатхонасини очиш ҳамда ёш истеъдодли футболчиларни аниқлаш ва тайёрлашда "Бешиктош" футбол клуби билан ҳамкорлик қилиш белгиланди.

Фарғона вилояти делегациясининг Хитой Халқ Республикасига амалий ташрифи тафсилотлари газетанинг келгуси сонида чоп этилади. (Фарғона вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди).

Ижодий сафар



ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: бугунги асрнинг бахти ўтган асрларда қурилган

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ўзбекистонлик бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари бугунги кунда жаҳоннинг қудратли давлатига айланган, улкан илмий-технологик ва инновацион тараққиётга эришган, иқтисодийни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг ўзига хос тизими яратилган мамлакатнинг Гуандун провинциясида бўлиб қайтдилар.

Провинциянинг Гуанчжоу шаҳри ва унинг туманлари ҳамда Чжухай, Шэньчжэнь, Пекин шаҳарларида ташкил этилган пресс-тур доирасида ва мароқли саёҳатлар давомида мамлакатимиз журналистлари йирик ишлаб чиқариш компаниялари, автомобиль заводлари, инновацион sanoat зоналари, порт терминали, логистика, божхона, молия марказлари, савдо платформаси, медиа концернлар, сунъий ороллар, Янган-Чжухай-Аомэнь кўприги, Шэньчжэнь ислоҳот ва очиқлик кўргазма маркази, ўлкашунослик музейи, экотуризм масканлари, туризм қишлоқлари, императорлар саройи, Буюк Хитой девори каби тарихий жойларда бўлдилар, замонавий техника ва нанотехнологиялар асосида фаолият олиб бораётган ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар, ҳамкасблар билан самимий мулоқотда бўлиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Шунингдек, Гуандун провинцияси ва Шэньчжэнь шаҳри ҳукуматлари ташки ишлар концепциялари томонидан ташкил этилган қабул маросимларида иштирок этдилар. Тан олиш керак, Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасидаги дипломатик муносабатнинг 30 йилдан ортиқ даври мобайнида томонлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва қадриятлар мустаҳкам шаклланиб улгурди. Айниқса, кейинги йилларда Осиёнинг икки мамлакати стратегик масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётган иттифоқчиларга айланди. Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари ҳамкорлигининг янада кенгайиб, мустаҳкамлашиб бориши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

5 бет

ҚУРБОН ҲАЙИТИ муборак, азиз юртдошлар!



Убайдуллоҳ АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти бош имом-хатиби

Аллоҳга шукурлар бўлсинки, шундай фазилатли кунларга ҳам етказди. Биз айни дамда зулҳижжа ойини қарши олганмиз, бу ой ҳижрий сананинг сўнгги ойи, унда кўп яхшиликлар мужассам, Исломуламининг икки байрамидан бири Қурбон ҳайити ҳам ушбу ойда нишонланади. Бу ойда динимиздаги буюк ибодат – Ҳаж амали адо этилади, мўминлар Аллоҳнинг ризолигини истаб қурбонликлар қиладилар.

3 бет



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келган Ҳалимбеков Иброҳимжон Турсунович вилоят телерадиокомпанияси директори этиб тайинланди. Иброҳимжон Ҳалимбеков 1973 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1995 йилда

ТАЙИНЛОВ

"Фарғона ҳақиқати" газетаси тахририятида бошлаган. 1997-2012 йиллар давомида Фарғона ва Андижон вилоятлари телерадиокомпанияларида, 2012-2022 йилларда соҳанинг республика ва вилоятдаги турли идораларида раҳбарлик вазифаларида хизмат қилган.

"МОЧАЛКА" ДАН БОЙИГАН БАҒДОДЛИКЛАР



2 бет

Ҳар бир жойнинг ўзига хос маҳсулоти бўлади. Олтиариқ бодринг-у, узуми билан танилган. Бешариқ қуруқ мевалари, ўрикзорлари билан. Бувайда анжирзорларида бўлганмисиз? Жоннинг роҳати.

УЛАРНИ ШИФОКОР ДЕЙИШ МУМКИНМИ?

АЙТСАМ ТИЛИМ, АЙТМАСАМ ДИЛИМ...

Ўхуд Кува туманида она ва бола ўлимига нима сабаб бўлганди?

Сўнгги вақтларда Кува туманининг туғуруқ бўлимида юз берган шов-шувли воқеа тасвирланган видеолархалар бирмунча кўпайди. Ижтимоий тармоқлардаги турли муносабатларга ойдинлик киритиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи Равшанжон Исақов билан суҳбатда бўлдик.

2 бет



1-бет

ҚУРБОН ҲАЙИТИ муборак, азиз юртдошлар!

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Дунё кунларининг энг афзали ўн кунлик (яъни, зулҳижжанинги ўн кун)дир" (Имом Баззор ривояти) деганлар.

Уламолар ҳатто Рамазоннинг охириги ўн кунни афзалми ё зулҳижжанинги ўн кунни афзалми, деган масалада баҳс ҳам қилишган. Бу борада Зулҳижжанинги аввалги ўн кунининг кундузлари, Рамазон ойининг эса охириги ўн кунининг кечалари афзал, дейишган.

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Аллоҳ таоло наздида бирор кун ва у кунларда қилинган амал ушбу ўн кундаги амалдан афзал бўлмас. Бас, бу кунларда таҳлил ва тақбирни кўпайтиринглар. Чунки, бу таҳлил, тақбир ва Аллоҳнинг зикр қилиш кунларидир. Бу кунларда бир кунлик рўза бир йилги рўзага баробар бўлади. Бу кунларда қилинган бир амалга етти юз баробар (ажр) кўпайтириб берилади", дедилар (Имом Байҳақий ривоят қилган).

Арафа кунини ҳаж амалларини адо қилаётган (бўлажак) ҳожилар Арафот майдонида тоату ибодат, дуою илтижолар билан машғул бўладилар. Арафа кунини тутилган рўза ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: "Арафа кунининг рўзаси ўзидан аввалги бир йил ва ўзидан кейинги бир йилнинг гуноҳларига каффорат бўлишини Аллоҳдан умид қиламан", деганлар (Имом Муслим ривояти).

Зулҳижжанинги ўнинчи кунини – ийд ал-Адҳо, яъни Қурбон ҳайити кунини! Ҳайит хурсандчилик байрами. Унда ота-она ва аҳли оила, фарзандларни ширин сўз ва ҳадиёлар билан қувонтириш, шунингдек, кексаларни, заиф ва бетобларни зиёрат қилиб, ҳолидан хабар олиш, совғалар улашиш каби қалбларга сурур бағишлаш динимизда мақталган амаллардан.

Қурбон ҳайити – мусулмонларнинг шоду хуррамлик, кўнгли олиш, меҳр-оқибат, хайр-саховат кўрсатиш, бир-бири билан дийдорлашуу байрамидир. Уни шарият талабларига мувофиқ, хушқайфиятда ўтказиш мақталган амаллардан.

Ҳайит байрами кунини бирор сабабга кўра араزلанган, гина-қудуратли таниш-билишлар



ҳам бир-бирига кучоқ очса, ўзаро узр сўрасалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Қурбон ҳайитининг яна бир фазилатидан бири нисобга эга мусулмонларга қурбонлик қилишларидир. Қурбонлик сўзининг ўзаги "қурбон", арабчадан таржима қилинганда "яқинлашиш" деган маънони билдиради. Демак, ҳар бир қурбонлик қилувчи мусулмон киши, албатта, Аллоҳга яқин кишилардан.

Қурбонлик қилиш – "Аллоҳ таолога яқин бўлиш ниятида махсус вақтда, хос бир ҳайвонни сўйиш"дир. Қурбонлик қилинадиган "махсус вақт" дегани – Зулҳижжа ойининг ўнинчи (яъни, қурбон ҳайити кунини), ўн биринчи ва ўн иккинчи кунларидир. Унинг охириги вақти Зулҳижжанинги ўн иккинчи кунини қуёш

ботиши билан ниҳоясига етади. Азизлар, гувоҳи бўлганингиздек, биз ўтказётган ушбу кунларда дуолар ижобат, амаллар мақбул, хайру эҳсон ва яхшиликлар самобий зиёда бўлади. Шундай экан, фурсатни қўлдан бой бермай, яхши амалларга собит бўлайлик. Илоҳо, барча яхши амалларимиз даргоҳида қабул бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, ўз номимдан, қолаверса, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фарғона вилояти вакилиги, устозлар, уламолар ҳамда барча имом-хатиблар номидан халқимизни ушбу мўътабар айём билан табриклайман.

Барчамизга кириб келаётган муқаддас Қурбон ҳайити байрами муборак бўлсин! Эзгу ишларимиз, интилишларимизда Аллоҳнинг Ўзи мададкор бўлсин!



РАНГЛАР ОЛАМИГА САЙР



Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида Фарғона шаҳар 3-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби тасвирий ва амалий санъат бўлими ўқитувчи ва ўқувчиларининг 2023-2024 ўқув йили якунига бағишланган "Ранглар оламига сайр" номли кўргазмаси очилди. Кўргазмада муаллифларнинг Ватан, ота-она, табиатни улуғлаш, меҳр-муҳаббат туйғуси ғояларига асосланган 150 дан зиёд ижод намуналари ўрин олди. Бадний тасвирларнинг ҳар бири кўзни қувонтиради.

Тасвирий санъат инсондан юксак дид ва нафосатни талаб этади. Ўқувчиларимиз шундай қобилият билан турфа рангларда борлиқни, эзгу ғояларни, ўзларининг кўзлари билан кўрган турли хил манзараларни акс эттиришади, – дейди болалар мактаби тасвирий ва амалий санъат бўлими ўқитувчи ва ўқувчиларининг 2023-2024 ўқув йили якунига бағишланган "Ранглар оламига сайр" номли кўргазмаси очилди. Кўргазмада муаллифларнинг Ватан, ота-она, табиатни улуғлаш, меҳр-муҳаббат туйғуси ғояларига асосланган 150 дан зиёд ижод намуналари ўрин олди. Бадний тасвирларнинг ҳар бири кўзни қувонтиради.

Гулсал ЙўЛЧИБОВА.

ЭНДИ ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ КАБЕЛЛАР ТОШЛОҚДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Ўзбекистондаги ислохотлар, айниқса, иқтисодий юксалиш халқаро молия ва рейтинг институтлари томонидан барқарор ҳамда тез ривожланаётган дея баҳоланмоқда. Бундай эътироф ортида мамлакатнинг барча ҳудудларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўсганлиги, юзлаб янги қувватлар ишга туширилгани турибди.

Биргина Тошлоқ туманида 2023 йил якуни билан инвестиция дастури, sanoat, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги йўналишларида 1 триллион 485 миллиард сўмлик 130 та лойиҳалар ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар миқдори 96,2 миллион АҚШ долларига етди. Натижанда 134,2 миллион долларлик Тошлоқ туманида ишлаб чиқарилган маҳсулот экспорт қилинди.

Бу рақамлар қанчалар

қувончли бўлмасин, танганинги иккинчи томони ҳам бор эди. Янги ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларига электр энергияси керак. Электр қувватларини етказиш учун эса эшими йўғон, усти полиэтилендан қобикланган турли кесимдаги кабеллар зарур.

Бундан бир неча йил аввал жуда катта миқдорда электр қуввати истеъмол қилувчи йирик корхоналар АВГ – 240 кабеллини олиш учун Тошкент ва Хонобод кабел заводларида ойлаб навбат кутганлар. Бугун эса бу кабеллар Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани-

даги кичик sanoat зонасида маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳа, шубҳаланманг, туманинги "Тараққиёт" кичик sanoat зонасида ўнлаб корхоналар қаторида улкан кабел заводи шу йил қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда кесими турли ўлчамдаги электр симларидан юқори кучланишли электр қувватларини "таший" оладиган, ҳатто эшими 37 қаватгача бўлган сим ва кабеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Узоқ йиллардан буён кабел чиқаришни ўйлаб юрар эдим, – дейди "Farkabel" корхонаси таъсисчиси Султонали Тоҳиров. – Президентимиз сўмининг хорижий валютага конвертациясини очиб беришлари менга туртки бўлди.

Султонали гапнинг шартаксини айтди-қўйди. Сабаби, у кабел заводи кураман, мамлакат эҳтиёжини қондирадиган даражада импорт ўрнини босувчи турфа хил кабеллар ишлаб чиқарман дея технология сотиб олишга ўз маблағини валютага айлантира олмай кўп сарсон бўлган экан. Ниҳоят, эркин конвертация очилди-ю, тадбиркорларнинг гўё "қўли ечилди".

– Корхонамизга 13 миллион АҚШ долларини инвестиция киритдик. Бу дастоҳлар Хитой, Туркия, Россия ва Европа давлатларидан олиб келинган, – дейди тадбиркор.

"Farkabel"да барча ишлар компьютер орқали бажарилади. Бу ерда жами 30 нафар ишчи-мутахассис бўлиб, улар ҳам асосан назоратчи. Маҳсулот ҳозирча юз фоз буюртма асосида ишлаб чиқариляпти. Исталган кесимдаги электр симлари, изоляцияланган кабеллар, 7 қаватлидан то 37 қаватлигача эшма сим, 7 қаватлигача изоляцияланган эшма кабеллар... хуллас, сиз буюрасиз, тошлоқлик еш мутахассислар қисқа муддатда уни ишлаб чиқариб, ҳатто манзилнингизгача юклаб жўнатадилар.

– Корхонамизда 100 хилга яқин кабел маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Аввал Ўзбекистоннинг ички бозорини таъминласақ, кейин экспортга чиқарамиз, – дейди Султонали Тоҳиров. – Қўшни давлатлар Россия ва Афғонистонга маҳсулотни экспорт қилиш юзасидан иш олиб бораёмиз.

Муҳаммадjon ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.



ЭНГ КАМ ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ МИҚДОРИГА ЕТДИ

Жорий йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги Фармонига кўра, 1 майдан пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдорлари оширилди.

Мазкур фармоннинг амалиётга татбиқ этилиши, том маънода, нафақа ёшидаги кам даромадли аҳолининг ижтимоий ҳимояси мустаҳкамланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

Пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг шу йил 30 апрелдаги аҳолининг энг кам истеъмол харажатлари янгилашгани ҳақидаги эълони муносабати билан оширилди.

Камбағаллик чегарасини аниқлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткич 4,3 фозига – бир ойга киши бошига 621 минг сўмдан 648 минг сўмгача (кунига 20,7 минг сўмдан 21,6 минг сўмгача) кўпайди.

Боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақанинги энг кам миқдори ҳам кейинги ҳар бир

меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлаш билан 621 минг сўмдан 648 минг сўмга ўзгарди.

Бундан ташқари, иш стажы тўлиқсиз чоғдаги ёшга доир пенсиялар, ёшга доир нафақалар, шунингдек, ўзгалар парваршига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парварши билан банд бўлган боланин қонуний вакилига бериладиган (парвартиш) нафақаси, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашда оила даромади мезони сифатида минимал истеъмол харажатларининг янги суммаси ҳам ойига 648 минг сўм этиб белгиланди.

Ижобий ўзгаришлар натижасида юртимиздаги 1061 минг нафар энг кам пенсия ва нафақа олувчи фуқароларнинг пенсия ва нафақалари минимал истеъмол харажатлари миқдорида тенглашти. Бу каби ислохотлар юртимизда инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият эканига яна бир далилди.

Миржалол МАШРАПОВ,
Учкўприк тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар марказининг маҳалларда ижтимоий хизматларни ташкил этиш шўъбаси муdiri.

ҚИСҚАРТИРИШГА ТУШГАН ХОДИМЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН

САВОЛ: – Қонунчилик бўйича қисқартириш (сокращение)га тушган ходимлар иш жойида қандай ҳуқуқларга эга бўлади?

ЖАВОБ: – Меҳнат қонунчилиги бўйича қисқартиришга тушган ходим иш беришчи томонидан 2 ой олдин огоҳлантирилиши лозим бўлади. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 165-моддаси 1-қисмига асосан, технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгаришига, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқаришига боғлиқ бўлган ташкилот ходимларининг сони ёки штати ўзгарганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётгани иш беришчи томонидан ходим 2 ой олдин огоҳлантириш мажбурияти нолади.

Иккинчидан, ходимга огоҳлантириш муддати ичида бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади.

Учинчидан, қисқартиришга тушган ходим иш беришчи томонидан тақлиф қилинган бошқа ишда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Меҳнат кодекси 144-моддаси 1-қисмига асосан, агар меҳнат шартномасида белгиланган меҳнат вазифасига доир ишни холисона сабабларга кўра давом эттириш имкони бўлмаса, иш беришчи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинганда мувофиқ келадиган бошқа ишга ўтказишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса иш беришчида мавжуд бўлган бошқа ишни тақлиф этиши шарт.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат

кодекси 143-моддасининг иккинчи қисмида, 161-моддаси иккинчи қисмининг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган асосларга кўра бекор қилинган тақдирда, ушбу модданинги биринчи қисмида назарда тутилган мажбурияти иш беришчининг зиммасига юклатилади.

Тўртинчидан, қисқартиришга тушган ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи иш қидириш даврида сақланган қолғини кафолатланади. Яъни, Меҳнат кодекси 100-моддасига асосан, меҳнат шартномаси технологиянинг, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг ўзгариши сабабли ташкилот ходимларининг сони ёки штати ўзгарганлиги, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги бўйича бекор қилинган тақдирда, иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақининг ишдан бўшатилиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан икки ойга сақланиб қолиши ходимлар учун кафолатланади.

Бешинчидан, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг ҳам учинчи ойлигини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Яъни, Меҳнат кодексининг 100-моддасига асосан, ушбу модданинги биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ўттиз календарь кун ичида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, улар маҳаллий меҳнат органи томонидан берилган маълумотнома бўйича учинчи ой учун ҳам аввалги иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Х.ЙўЛДОШЕВ,
Қўштепа тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими меҳнат ҳуқуқ инспектори.

И.ОЛИМОВ,
туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юриконсульти.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: Бугунги асрнинг бахти Ўтган асрларда қурилган

1-бет

– Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ўзаро ҳурмат, қўллаб-қувватлаш, дўстлик ва яхши қўшничилик тамойиллари асосида ривожланмоқда. Бунда олий даражадаги сиёсий учрашувлар, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган дўстона ва ишончли муносабат алоҳида ўрин тутмоқда, – деди қабул маросимида Гуандун провинцияси ҳукумати ташқи ишлар канцелярияси раҳбари ўринбосари Кин Хулини. – Аҳамиятлиси, шу йилнинг январь ойда Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига амалга оширган давлат ташрифи мамлакатлар ўртасидаги стратегик ва дўстона муносабатни жадал ривожлантиришга қўйилган янги қадам бўлди. Юқори даражадаги учрашувлар ва мулоқотлар довомида мамлакатлар манфаати учун хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, юртнинг вилоятлари ҳокимлари Хитойга, шу жумладан, Гуандунга ташриф буюриб, икки томонлама манфаатли муносабатларни ривожлантиришнинг истиқболли режаларини белгилаб олдилар.

Шу ўринда қайд этиш керакки, биргина Фарғона вилоятига энг кўп инвестиция Хитойдан қирмоқда. Йилдан-йилга ҳамкорлик кўлами кенгайиб, янги йўналишларда истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқаришга татқиқ этилмоқда. Бугунги кунда вилоятда Хитой Халқ Республикаси капитални иштирокида 157 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Саноат, қурилиш, автомобилсозлик, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, “яшил энергия”, қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳаларидаги манфаатли лойиҳалар шулар жумласидан. Ўтган йилда Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳаларда 537,6 миллион АКШ долларлик хорижий инвестиция ўлаштилган бўлса, шундан 318,5 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялардир.

– Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида давлатлараро муносабатларнинг деярли барча соҳаларини қамраб олувчи муносабат асос яратилди. Бу нафақат сиёсий-ижти-



моий, парламентлараро, иқтисодий-инвестициявий, балки ижтимоий-маданий, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм йўналишларида ҳам ўз аксини топмоқда, – дейди биз билан суҳбатда Гуандун провинцияси ҳукумати ахборот идораси бош директори ўринбосари Денг Хонг. – Биз давлатлараро ва дўстона муносабатларимизни сифат жиҳатидан янги ва янада юксак босқичга олиб чиқайдиган манфаатдоримиз.

Шэньжэнь шаҳри ҳукумати аъзолари, йирик медиа гуруҳлари раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасидаги расмий қабул ўзаро самимий ва дўстона мулоқотнинг мантқиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. – Хитойда халқ фаровонлиги муттасил ўсиб бормоқда, мамлакатнинг келгуви ривож учун мустақкам интелектуал пойдевор шаклланимоқда. Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилганлигини хабардоримиз. Унинг натижалари алоҳида кўзга ташланди. Ўзбекистон Хитой учун яхши қўшни ва яқин ҳамкор, дўст мамлакат, – деди Шэньжэнь шаҳри

ҳукумати ташқи алоқалар канцелярияси раҳбарининг ўринбосари Сун Хуанронг.

Таъкидландики, икки давлат ўртасида комплекс стратегик шекарликни ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинган. Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. Ўтган 2023 йилда Ўзбекистоннинг 14 та ҳудуди раҳбари Хитойга, 20 дан ортиқ Хитой марказий ва минтақавий делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бундай амалий ҳамкорлик жараёнларида томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ислохотларни чуқурлаштириш ва очиқлик бўйича ўзаро тажрибалаб алмашилмоқда.

– Хитойликларда шундай ҳикматли ибора бор, энг катта ва қувончли воқеа, бу узокдан келган дўстлар билан учрашишдир. Бугун бизларнинг юз-қўзингиздаги самимийликни кўриб, шу ҳикматни эслаганим, – деди қабул чоғида сўз олган ҳамюртимиз, Хитойнинг “CGTN-Русский” телеканалининг Ўзбекистондаги махсус муҳби-

ри Барчиной Жўраева. – Биз биламиз, Гуандун иқтисодий жиҳатдан жуда ривожланган провинция. Интелектуал салоҳияти юқори, деярли барча соҳаларда илғор, табиати мафтункор ва экологик тоза ҳудуд. Айниқса, мега шаҳар мақомидagi Гуанжоу ва Шэньчжэнь шаҳарларида фаолият юритаётган йирик ишлаб чиқариш компаниялари Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам маълум ва машҳур. Мамлакатимиз ишбилармон доиралари улар билан ишончли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатгани, истиқболли лойиҳалар юртимизда амалга оширишга татқиқ этилгани, албатта, бизни хурсанд қилади.

Ўзбекистон ва Хитой икки томонлама муносабатларини янги даврга ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарди. Икки мамлакат давлат раҳбарларининг учрашувларида айтиб ўтилганидек, савдо-иқтисодий алоқалар кўп қарра ортгани, маданий-гуманитар соҳалар кенгаётгани аини ҳақиқат. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш икки баравар ошди ва 2023 йилда рекорд даражага – 14 миллиард АКШ долларига етди. Томонлар яқин йилларда бу кўрсаткични 20 миллиард долларга етказиш ниятида.

Яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтишни истардим. Ўзбекистон-Хитой ўртасида визасиз режим жорий қилинаётгани ва авиақатновларни ҳафтасига 100 тага етказиш бўйича келишувга эришилгани туризм соҳасидаги ҳамкорликнинг янада изчил ривожланишига замин яратди.

Шунингдек, қабул маросимида маданият, таълим, медиа соҳаларида ҳам ҳамкорлик жадал одимлаб бораётгани тилга олинди. Халқроқ доирада “Буюк ипак йўли”нинг замонавий қўрилиши сифатида баҳоланаётган ва халқроқ ҳамкорликнинг янги модели сифатида эътироф этилган “Бир макон – бир йўл” лойиҳасига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Хитой Халқ Республикаси раҳбари Си Цзинпин ташаббуси билан ишлаб чиқилган бу лойиҳа минтақалар ўртасидаги умумий тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлидаги зарурий, инклюзив ҳамда очиқ платформага айланиб бормоқда. Бу ташаббусни 150 га яқин давлатлар қатори Ўзбекистон Хитойнинг ҳар томонлама стратегик шериги сифатида биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади.

Аслида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги самимий ва ишончли ҳамкорлик узок ўтмишга бориб тақалади. Хитой халқи таъбири билан айтганда, бугунги асрнинг бахти ўтган асрларда қурилган. Бу дўстона ҳамкорлик изчил давом этиб келаётгани, янги-янги ташаббус ва ғоялар билан ривожланиб бораётгани нафақат икки давлат, икки халқ манфаатиға, балки минтақамизда тиңчилик ва барқарорликни мустақкамлашға ҳам хизмат қилади.

Рустам ОРИПОВ.

ЧИН МЎЪЖИЗАЛАРИ

Хитой Халқ Республикасиға ўн кунлик сафаримиз ўзбекистонлик журналистлар учун Чин ўлкаси мўъжизалиридан бахраманд бўлиш ва йилларға татиғулик таассиротлар олиш имкони берди.

Гуандун провинцияси Хитой жанубида, денгиз қирғоғида жойлашган. Мамлакатнинг иқтисодиёти энг ривожланган, аҳоли эич жойлашган ҳудудларидан бири бўлиб, миллий ва халқроқ савдода муҳим аҳамият касб этади. Аҳолиси 126 миллион 12 минг кишини, ҳудуди 179 минг 725 квадрат километрни ташкил қилади. Европада Кантон номи билан машҳур бу маскан заминини Жанубий Хитой денгизи тўлқинлари мангу ювиб туради.

Провинциянинг Гуанжоу, Шэньчжэнь, Чжухай шаҳарларида, Макао оролида бўлиб, инсон қўли билан яратилган ақл бовар қилмас мўъжизалар қаршида лол қолдик. Гуанжоудаги дунёда ўхшаши йўқ лойиҳа асосида Осиё ўйинлари олдидан 2005-2009 йилларда барпо этилган, баланглиғи 610 метрли, бир кунда 10000 сайёҳни қабул қиладиган телеминара, Шэньчжэнь шаҳридаги 599 метр бўй чўзган молия маркази биноси, Макао ороли, Гонгконг ва Чжухайни ўзаро боғлайдиган, денгиз устинга қурилган 55 километри кўприк, 12 километрли сув ости йўли ва денгиз ўртасида барпо этилган йўл ўтказиғи пункти – сунъий орол чиндан ҳам ҳайратланарли.

Гуанжоу – Гуандун провинциясининг маъмурий маркази, мамлакат жанубидagi савдо-саноат ва денгиз орқали ташқи савдо портлари жойлашган энг йирик шаҳарлардан бири. Бу ерда йирик транспорт тармоғи мавжуд, автомобиль, электроника, нефть-кимё саноати юксак тараққий этган. Халқроқ савдо кўргазмалари билан ҳам машҳур бўлган, 11 та туманни ўз ичига олган бу кўркаламзор шаҳарда 14 миллиондан ортдиқ аҳоли истиқомат қилади.

Шаҳар Жанубий Хитойнинг туристик, саноат, молия ва транспорт мар-



кази ҳисобланади. Бу ерда 100 дан ортиқ турли хил товарлар билан савдо қилинадиган улғуржи бозорлар бор. Йилда икки марта Кантон ярмаркаси ўтказилади. Хитой ва жаҳон банки, молия, суғурта компанияларининг офислари жойлашган. Кемасозлик, мотоцикл ва автомобилсозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, газета қорози, маиший техника, шина, велосипед, спорт инвентарлари, чинни, цемент, электрон жиҳозлар, кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юзлаб корхоналар мавжуд.

Йирик саноат корхоналари орасида “GAC group”, “Dongfeng Nissan passenger”, “Honda” ва бошқа кўйлаб автомобиль, “GAC bus” автобус ҳамда мотоцикл, аккумулятор, кемасозлик, лифт ва металлургия заводлари сингари бир қанча ишлаб чиқариш объектлари алоҳида ўрин тутади. Денгиз ва дарё транспорти Гуанжоунинг халқроқ савдо-сотик алоқаларида муҳим ўрин эгаллайди. Жаҳоннинг энг катта контейнер портлари беллиғига кирувчи порт шу шаҳарда жойлашган. 120 минг квадрат метрни ташкил этадиган

Луюа ва 130 минг квадрат метрдан иборат Пачжоу кўргазма комплекслари жуда маҳабатли. Биргина Пачжоу мажмуасининг биринчи ва иккинчи қаватларида ҳар бирининг катталиғи 10 минг квадрат метрдан иборат бўлган 13 та кўргазма зали ўзининг қурилиш лойиҳаси билан сизни лол қолдиради.

Гуанжоу бағридан аҳоли тилида “Марварид” деб аталувчи Чжужэян дарёси оқиб ўтади. 2200 километр масофада ястаниб оқадиган бу дарё узунлиғи бўйича Хитой Халқ Республикасида учинчи ўринда туради. Дарё соҳиллари маҳаллий аҳоли ва чет эллик сайёҳларнинг энг сеvimли дам олиш жойига айланган. Тунда сонсиз-саноксиз кемалар турли рангдаги чиқроқларини порлатиб, сизни дарё узра сайр қилдиради. Кўз ўнгиңгизда шаҳарнинг тунги манзараси бутун бўй-баста билан намоён бўлиб, қалбингизга завқ-шавқ бағишлайди.

Дунё оммавий ахборот воситаларида Шэньчжэнь, биринчи навбатда, “Foxconn” электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган жаҳондаги йирик

заводлари орқали таърифланади. Беш юз минг ходими жамлаган “Apple”, “Canon”, “Microsoft”, “Dell”, “Sony” ва бошқа гигант компания брендлари шу шаҳарда жойлашган.

Илгари Шэньжэнь атиғи 30 минг аҳолиси бўлган оддийгина балиқчилар посёлкаси эди. Эркин иқтисодий зона мақомини олғач, 10 миллион киши яшайдиган, Хитойда Пекин ва Шэньхайдан кейин учинчи ўринда турадиган, дунё маиший электроника маҳсулотларининг асосий қисмини ишлаб чиқарадиган, юксак технологиялар ва инновациялари билан машҳур қудратли шаҳарга айланди. Шунингдек, жаҳонда етакчи молия, истеъмол товарлари, электроника, телекоммуникация, компьютер жиҳозлари етказиб берувчи саноат марказларидан биридир.

SZMG – Шэньжэнь медиа гуруҳи ташкил этилганга 40 йил бўлган. Корпорация оммавий телеканаллардан бири сифатида мамлакатда бешинчи ўринни эгаллайди. Эфир доираси кенг, аҳоли барча қатламларини қамраб олган. Энг сўнгги янгиликларни эфирга узатади. Мухбирлари хорижий мамлакатлардан қайноқ хабарларни етказиб беришди.

– Студияларимиз сўнгги технологиялар билан жиҳозланган. 10 та телеканалимиз ишлаб турибди. Янгиликлар бўйича хитой тилида 9 та дастур фаолият кўрсатади. Иجتимой тармоқлардаги сайтларимиз орқали инглиз тилида хабарлар тарқатамиз. Ҳафтасига 1300 дақиқа сўнгги янгиликларни эфирга узатамиз. Радиоэшитиришлар эса тўртта частотада узатилади. Катта кўрфаз аҳолисининг 82 фоизи бизни эшитади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилишга тайёримиз ва бу ҳар икки томонга ҳам бирдек манфаат келтиради, – дейди Шэньчжэнь медиа гуруҳи раҳбари Хуанг Кюминг.

Иккидij сафар довомида Ўзбекистонлик журналистлар хитойлик ҳамкасблари билан самимий мулоқотда бўлиб, ўзаро тажриба алмашдилар, ҳамкорлик юзасидан келишиб олдилар.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

Хуқуқий сабоқ

Бугунги кунда судларда кредит ва қарз муносабатларидан келиб чиқадиган низолар юзасидан мурожаатлар сони кўпайган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, жисмоний ва юридик шахслар бирор бир молиявий мақсадига тезроқ эришиш масаласини банкдан кредит олиш орқали ҳал қилишга ҳаракат қилади. Шунга қўра, жисмоний ва юридик шахслар томонидан банк кредитлардан кўплаб фойдаланилмоқда.

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Кредит муносабатлари кредитор ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузиш орқали амалга оширилади. Кредит шартномаси қарзнинг алоҳида, мустақил кўринишидир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 744-моддасида кредит шартномасининг тушунчаси белгиланган бўлиб, унга асосан, кредит шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Қонун талабига қўра, кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Ёзма шаклда ривож қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий бўлмалиғига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Кредит шартномаси кредиторга ҳам, қарз олувчига ҳам мажбуриятлар юклайди. Ҳар бир томон иккинчи томон фойдасига мажбурият олади, масалан, кредитор қарз олувчига пул суммасини беришга мажбур ва келишилган муддат ўтганида, берилган кредит суммаси ҳамда унга ҳисобланган фоизларини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Қарз олувчи эса кредит шартномасида назарда тутилган кредит суммасини назарда тутилган муддатда устамаси билан қайтаришга мажбур дидир.

Тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасида кредитнинг мақсади, яъни нима мақсадда кредит маблағи ажратилаётганлиғи, кредитнинг шартлари, шартноманинг амал қилиш муддати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кредит қайтарилишининг таъминлиниши, низоларни ҳал этиш тартиби кўрсатилади. Шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасида кредитни қайтариш жадавали ҳам кўрсатилади ёки кредитни қайтариш жадавали тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасига илова қилинади.

Қарз олувчи кредит шартномасида кўрсатилган кредит маблагини жадал асосида ўз вақтида тўлаб бориши шарт. Ақс ҳолда, кредитор қарздорга нисбатан шартнома бўйича юзага келган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ундириш, тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиш, ундирувчи гаровга қўйилган мол-мулкларга қаратиш талаблари билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 746-моддасида, кредит бериш ёки олишдан бош тортиш тартиби белгиланган бўлиб, унга қўра, кредитор қарз олувчининг тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек, шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Қарз олувчи кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз олувчи бу ҳақда кредитори аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда, кредит шартномасида белгиланган қадар хабардор қилиши шарт. Қарз олувчи кредит шартномасида назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда, кредит шартнома бўйича қарз олувчининг бундан буён кредитлашни тўхтатишга ҳақли.

Кредит ташкилоти томонидан қарз олувчига ажратилаётган кредит маблағларидан қарз олувчи мақсадли фойдаланиши, шунингдек, кредит шартномаси орқали тарафлар зиммасига юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз вақтида бажарилиши кредит шартномасининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Қарз олувчи кредит шартномасида назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузган тақдирда, кредит шартнома бўйича қарз олувчининг бундан буён кредитлашни тўхтатишга ҳақли.

Мавлудахон УММАТОВА,
Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси.

Фуқаролар муаммолари ҳал этилмоқда

Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Бугун барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизим яратилди.



Мажбурий ижро бюросининг Кува тумани бўлими томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, фуқароларни қийнаб келатган муаммоларга хуқуқий ечим топиш мақсадида сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.

“Байналминал” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайёр қабулда бюронинг туман бўлими бошлиғи Ж.Деҳқонов узок вақтдан буён муам-

моларига ечим топа олмай турли турларга такрор мурожаат қиладиган фуқароларни қабул қилди.

Қабул довомида аксарият мурожаатлар жойида ижобий ҳал этилди. Муддат талаб этиладиганлар алоҳида назорат олинди, уларнинг ижроси бўйича масъул ходимларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўз муҳбиримиз.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими, “Фарғона ҳақиқати” ва “Фарғона правда” газеталари таҳририяти МЧЖ жамоалари “Фарғона ҳақиқати” газетасининг собиқ ходими, меҳнат фахрийси
Алишер РАҲМАТУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия изҳор қилади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ



(Саргузашт-воқеий қисса)

«Кусто ороли»да

10 кун

Қорин тўйиб ғам кетди. Ташқарига чиқсам, ҳалиги болали аёл хув нарида бизнинг чодир томон кўз тикиб ўтирган экан. У энди ёлғиз эди. Мени кўрди-ю, югуриб олдимга келди ва кўлимга пўстлоқ толасидан эшилган арқон тутқазди, кейин қувлашмачоқ ўйнаётган қизалоқдек қиқирлаб кулганича, қочиб кетди. Кулгуси самимийлигидан ҳар қандай эркакни эритиб юборарди. У менга миннатдорчилигини билдирмоқчи бўлди. Эмизикли боласи бўлса-да, келишган қомати, ярим яланғоч танасини кўриб уялиб кетдим.

Қизиқ, нега у менга арқон совға қилди? Арқон ниманинг тимсоли экан, бу гўшада?

Этибор қилмаган эканман. Синчиклаб қарасам, барча эркаклар белида арқон боғланган. Мен ҳам шоша-пиша арқонни шорт устидан бир учини осилтириб бойлаб олдим. Шу лаҳза устимдаги энги калта кўйлакни ҳам ечиб отдим. Негадир улларга ўхшагим келди. Яшириб нима қиламан. "Ҳадианг менга маъқул бўлди!" десам, аёлнинг боши осмонга етар ахир?!

Ўйга толиб ўтирсам, Хусаннинг тўтиси "пирр" этиб учиб келиб елкамга кўнди. Жонивор мени таниб қолган. Денгиз соҳилида унга ҳам она ватанимизнинг давлат тилидан икки-уч сўзни ўргатганман.

"Сар-вар, сай-ёх, Ху-сан, дур-рак", такрорларди у доим. Хусан тўти унинг янги исмини айтганига хурсанд, лекин иккинчи сўз маъносини билмасди. Мен эса мириқиб-мириқиб кулардим. Бир гал тўти адаштириб юбордим, "Сар-вар, дур-рак", деса бўладими? Кулавериб, ичгим узилди деди.

– Ҳали кўрасан, сени олиб кетиб кучугимга бераман, – дедим пўписи

(Давоми. Боши аввалги сонларда).

қилиб. Шундай дедиму, уйим, хотиним, бўлажак куёв бола, садоқатли кучугим ёдимга тушди. Нима қилишяпти экан? Кучугим оч қолмаяптимикиан? Ҳойнаҳой хотин тўй таралдуида бўлса керак. Ишхонам-чи? Мени эслашдимикан? Қаёқда, бош муҳарриримиз мени унчалик хуш кўрмайди. Сафарда эканимда бирон марта бўлса-да уйим, оиламдан ҳол сўраб бормагани аниқ. Унинг бор-йўқ ташвиш обунани кўпайтиришу, реклама излаш. Ходимларга шу нуқтаи назардан баҳо беради. Мен эса обунага ҳам, рекламага ҳам аралашмайман. Ахир мен журналистман! Э, буни тушунармиди у... шу хил ўйларга андармон бўлиб, кеч кирганини сезмай қолибман.

Оролда бўлган кунларим айрим саволларимга мутлақо жавоб топа олмадим. Масалан, ороликлар асосан тананинг пастки қисмини дарахт барглари билан тўсадилар. Бундай ҳолат ўн минглаб йиллар илгари бўлган, деб ёзади олимлар. Лекин нега ҳозирга келиб инсоният мато ишлаб чиқаришни ихтиро қилган замонда ундан фойдаланмайдилар? Қолаверса, дарахт барглари мўрт ва у гарчи салқинда сўлдириб, кейин эшма ипга ўтказилса-да, тез яроқсиз ҳолга келади. Икки-уч кунда бундай "кийим" алмаштирилиши керак. Йўқ, ороликлар катта ердан келган меҳмонлар совға қилган матолардан фойдаланмай келадилар.

Никоҳ, ирсият масаласи ҳам қизиқ. Қабилдаги мингга яқин одамларнинг барчаси бир-бирига қариндош, қондош. Улар ўзаро оила курадилар, фарзанд кўради, кейинчалик улғайганида болалари ҳам шу қабил доирасида яна оила куради... Хусаннинг айтишича, ҳатто оролдаги айрилиб чиққан иккинчи қабил аъзолари билан "қуддандачилик" қилишмайди. Генетикага

бағишланган илмий асарларда қон алмасмаслиги бора-бора наслни заифлаштиради ва провардида тугатилишига олиб келади, деб ёзилган. Лекин оролда ундай эмас. Минг йиллар яшаётган қабил қони бирлашиб кетган, аммо олимлар ёзганидек одамлари, ирсиятда заифлик сезилмайди. Тўғри, буйлари баланд эмас, аммо ҳатто аёллари кўшларнинг ёқимли сайроғи элас-элас бўлса-да, эшитилиб туради. Ййлов ўтлари ёқими шабодода оҳиста тебраниб шивирлайди. Осмондаги ой шуъласида ўрмон ва дарё оралиғидаги чодиркишлоқ шу қадақ гўзал манзара ҳосил қилганки, қани эди рассом бўлсам, мойбўёқда уни чизиб, сизга тақдим этсам.

Ёки агар шоирлик қобилиятим бўлганидами, ҳолатни тасвирлаб ёзган шеърим энг оммабон кўшиқ бўлиб кетарди-ёв! Мен эса кўриб роҳатланаман холос... Шундай ўй билан икки кўлимни бошимга қўйиб, чодир ва дарё ўртасидаги яланга чўзилдим. Осмоннинг кенглигини қаранг. Тун қўйнида ярақлаб турган ой, бодрокдек сачраган юлдузлар намуна чиройли бўлмаса-а! Ой ўша-ўша. Юлдузлар ҳам. Аммо уларнинг

Кейинчалик ўзбек гематологлари бу ирсият туфайли деган хулоса билан чиққанлар. Аммо... тақрибан шунча аҳоли яшайдиган орол одамларида бундай белгилар кузатилмасди.

Бугун ҳеч ухлай олмадим. Узимни у ёнга, бу ёнга ташлаб кўрдим. Лекин ором толмадим. Хусан уйғониб кетмасин дея аста чодирдан чиқдим. Табиат нақадар гўзал-а! Ўрмондан кўшларнинг ёқимли сайроғи элас-элас бўлса-да, эшитилиб туради. Ййлов ўтлари ёқими шабодода оҳиста тебраниб шивирлайди. Осмондаги ой шуъласида ўрмон ва дарё оралиғидаги чодиркишлоқ шу қадақ гўзал манзара ҳосил қилганки, қани эди рассом бўлсам, мойбўёқда уни чизиб, сизга тақдим этсам.

Ёки агар шоирлик қобилиятим бўлганидами, ҳолатни тасвирлаб ёзган шеърим энг оммабон кўшиқ бўлиб кетарди-ёв! Мен эса кўриб роҳатланаман холос... Шундай ўй билан икки кўлимни бошимга қўйиб, чодир ва дарё ўртасидаги яланга чўзилдим. Осмоннинг кенглигини қаранг. Тун қўйнида ярақлаб турган ой, бодрокдек сачраган юлдузлар намуна чиройли бўлмаса-а! Ой ўша-ўша. Юлдузлар ҳам. Аммо уларнинг

жойлашуви бир оз ўзгаргандек. Етти оғайни чапда эди, энди ўнгда кўринаяпти. Зухро юлдуз-чи? Эҳ, сента не-не олиму фузало, шоиру ошқилар таъриф бермаган. Сен юлдузлар гўзалсан. Сендан таралган ёрқин нур термулган одамнинг қалбига сингийди.

Қизиқ! Жуда қизиқ! Ой, юлдузлар, ҳатто кўёш, чексиз осмон битта. Уларни уйимиз ховлисидаги сўрида ётиб ҳам неча бор кузатганман. Тошкент оқшомида, анҳор буйлаб сайр қилиб йўлакча ўриндиқларида соатлаб томоша қилганман сени. Шри-Ланкага келган куним нам ҳавога кўниқолмай меҳмонхонадан чиқдим, яна сенинг чексиз бағринга чўмдим, осмонжон. Мана энди уйим, Тошкентим, ҳатто Шри-Ланкадан ҳам узоқда, Кусто келолмаган ярим яланғоч одамлар яшайдиган оролдаман. Лекин осмон бирдек. Ой ўша-ўша. Юлдузлар булутлар қарвонидан мўралаши ҳам ўша.

Ҳа, айтгандек, булутлар-чи? Улар гоҳ ҳар ён, ҳар ёнга тўпланади, гоҳ бирлашади, яна ажрашади, қуюқлашади ва сийрақлашади. Жаҳли чиққанида хўмрайганидан қорайиб кетади ва йиғлай бошлайди... улар ҳам ўша-ўша. Аммо, нега одамлар ҳар хил. Бири оқ, бири буғдойранг, бири эса оролдаги қабил қон-қора. Танаси ҳар хил бўлса-ку майли-я, мурод мақсади, нияти, кўнгли ҳам турфа хил. Кимдир саховатли, ўзга учун жонини берай дейди, бошқаси эса қотил. Дунёда оққўнғил одамларни кўп учратдим. Лекин ҳасадгўй, ғараз ва нафратдан жизганак бўлиб кетганлар қанча! Нега шундай?! Ахир ҳаммамиз бир осмон, бир ой-у, бир кўёш остида яшаймизку! Ахир ҳаммамиз бир осмон, бир ой-у, бир кўёш остида яшаймизку! Битта Зухро юлдузига термулиб завқланамиз-ку! Лекин ҳаммамиз ҳар хилмиз. Яхшиликимизни жуда кам таҳлил қиламиз. Аммо инсондаги ёмонликларга худо шундай яратган дея ёрлик осамиз. Йўқ ёмон ният, ёмон хулқ, ёмон амалга худонинг дахли йўқ. Булар ҳаммаси илмисизлик, табиатни ҳис қилмаслик, эътиқодсизликдан эмасми?

Ўрмондаги қуриётган дарахт танасини кўртдан тозалаб, унга қайта жон ато қил дея қояга илтижо қилаётган ярим яланғоч оролик мусулмон бўлмаса-да, худонинг бандаси.

Вилоятда амал курсисига мингач, (Давоми газетанинг келгуси сонларида).

ТОШГА АЙЛАНГАН ИЛОҲЛАР "ЗИЁРАТИ"ДА

Инсон эътиқодсиз яшай олмайди. Худди шунингдек унга қувончини ҳам, дарду муаммосини ҳам тўкиб соладиган эътиқод пешвоси керак. Лекин мен ҳар тарафдан океан сувлари ўраган, ҳатто харитада ҳам акс этмаган оролни ўз пешвоси бор, деб ўйламагандим. Худо деб кўёшга сиғинадилар. Аммо уларнинг расмий ибора билан айтганда – шаман, жайдарисича пешволари қабил бошлиғидан кейинги таъсир кучига эга одам экан. Ўтган қисқа вақт ичида уни икки-уч бор кўрдим, кузатдим. Бир гал эрта тонгда юз-кўллари, танасига турли бўёқлар чаплаган, бошида турли думидан чамбарак шаклида терилган тамирчоғи, қўлида менимча темирёғочдан ишланган ҳассаси бўлган яланғоқ, ярим яланғоч, кўзлари бўртиб чиққаниданми, бир қарашдаёқ кўнглига кўркув соладиган шаман кўёшнинг шафақлиниб тунни кунга улаётган нурларига қараб, ғайриоддий ҳаракатлар билан рақсга тушарди. Кейинги гал майдон ўртасига бир аёлни ётқизиб қўйиб, хивич билан савалади. Нохуш овоз чиқариб, дарё ва ўрмон ортидаги тоғ қоясига қараб қўлларини қайта-қайта силтади. Хусаннинг айтишича, у бемор танасидан жинларни қувиб чиқарган ва қояда тошга айланиб қолган авлиёлардан нажот сўраган.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ВАКИЛЛИГИ

Вилоятимиз аҳлини, ҳурматли уламоларимиз, имом-хатибларимиз ва Ватанимизнинг барча мўмин-муслмонларини ислом уммати томонидан кенг нишонланаётган азизу мукаррам айём – Қурбон ҳайити билан самимий муборакбод этади.

Амаллар мақбул, дуолар ижобат бўладиган баракотли, қутлуғ кунларда Сизларга ва оила аъзоларингизга энг олий неъмат – соғлиқ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз.

Фидойи, элу юртим деб яшаб, меҳнат қилаётган азиз халқимизнинг ушбу мўътабар кунларда қилган барча эзгу ният ва дуолари ижобат бўлсин. Маккаю Мадинада Ҳаж амалларини мукаммал адо этаётган, Ватанимиз ва халқимиз саодати учун дуода бўлган мухтарам ҳожиларимизга соғ-саломат юртимизга қайтиб келиш насибу рўз айлсин!

Жондан азиз Ватанимизни, азиз халқимизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

**ИЙД-ҚУРБОН
БАРЧАМИЗГА
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

<p>МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririyati</p> <p>Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ</p>	<p>2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p> <p>Газета жума кунни чиқади.</p>	<p>Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 2298 нусхада чоп этилди.</p> <p>Буюртма: 387.</p> <p>★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темури кўчаси, 28-уй.</p> <p>Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.</p> <p>Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.</p> <p>Саҳифаловчи: Дostonбек Холматов.</p> <p>Босингга топшириш вақти: 18.00.</p> <p>Топшириш вақти: 16.30.</p>
---	---	--	---